

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1264-ҳадис

1264 - وَعَنْ عَائِشَةَ وَأُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَتَا: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصْبِحُ جُنْبًا مِنْ غَيْرِ حُلْمٍ، ثُمَّ يَصُومُ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 1930، م 1109].

1264. Оиша ва Умму Салама розияллоху анҳумолардан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эҳтиломсиз, жунублик ҳолларида тонг оттирсалар ҳам рўзаларини давом эттираверардилар”.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Жумҳур салафлар ва кейинги уламолар ижмоъси субҳдан олдинги жанобат хоҳ иҳтилом сабалли, хоҳ аёли билан қовушиш орқали бўлсин, зарари йўқ дейишган. Бунга Аллоҳнинг сўзидаги: «Сизларга рўза кечасида хотинларингизга қўшилиш ҳалол қилинди», дегани оят далилдир. Аммо субҳдан кейин аёли билан қовувиш орқали жунуб бўлиш маън этилгандир.

Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам жинсий яқинликдан, эҳтиломдан эмас, жунуб бўлган ҳолларида тонг оттирар эдилар. Сўнгра оғизларини ҳам очмас, қазо ҳам тутмас эдилар». (Имом Муслим ривояти)

Бу ривоятда ҳам олдинги ривоятдаги маъно такрорланмоқда. Жунублик эҳтиломдан эмас, жинсий яқинликдан экани таъкидланмоқда. Шунингдек, оғиз очилиб кетмаслиги, рўзани қазо қилиб тутмаслик баёни билан ҳам таъкидланмоқда. Албатта, бу ҳолатларда жунублик кечаси, рўза йўқ пайтида етган бўлади.

Аммо Рамазон кунлари, рўзадорлик пайтида эҳтилом бўлиб, уйқусида булғаниб қолса, рўзасига зарар етмайди.

Лекин жинсий яқинлик туфайли бўлса, рўза бузилиши ва каффорот вожиб

бўлади.

Уламоларимиз назар туфайли, яъни, бошқа жинсдаги шахсга шахват назари билан қараш туфайли ва сунъий равишда шахват қўзғатиш орқали жунуб бўлиб қолса, рўзаси очилади, деганлар.

Манба: hadis.islom.uz

